

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 25 сентябрь, № 199 (7429) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИЛҒОР КОМПАНИЯНИНГ НОЁБ ЛОЙИҲАСИ





**Ислоҳот**

*Замонавий ва илғор технологиялар ҳар қандай соҳа тараққиётига мустаҳкам замин яратади. Шу маънода, бугунги кунда мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми ва сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион ишланмаларни жорий этишга катта эътибор берилаётгани диққатга сазовордир. Чирчиқ шаҳрида "Uztex Group" компаниясининг ўн йиллиги муносабати билан ишга туширилган хом ипни бўяшга ихтисослаштирилган фабрика ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилувчи навбатдаги лойиҳа бўлди.*



**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА АЙТИШ КЕРАККИ,** бугунги кунда тармоқда **700 га яқин корхоналар** фаолият кўрсатмоқда. Фаол инвестициявий сиёсат ва ишлаб чиқариш қувватлари ошиши туфайли кейинги йилларда асосий хом ашё бўлмиш юқори сифатли пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Жорий йилда **деярли икки маротаба** ўсиши ёки етиштирилган пахтанинг **80 фоиздан кўпроғини** ташкил этиши кутилмоқда. **2020 йилга бориб эса** маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қуввати юқори қўшимча қиймат яратган ҳолда, **ҳосилни тўлиқ қайта ишлаш** имконини беради.

➔3

**Ҳамкорлик**

## Ўзбекистон парламенти делегацияси Евросиё мамлакатлари Спикерларининг 4-йиғилишида қатнашди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги парламент делегацияси Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган Евросиё мамлакатлари парламентлари Спикерларининг "Катта Евросиё: Мулоқот. Ишонч. Ҳамкорлик" мавзуидаги 4-йиғилишида иштирок этди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати хабар берди.*

Таъкидлаш лозимки, Евросиё мамлакатлари парламентлари Спикерлари йиғилиши 2016 йилдан бери ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Бу йилги анжуманда 65 давлатнинг парламентлари, шу жумладан, 41 нафар Спикер ҳамда 15 га яқин халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Мазкур тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад халқаро майдонда умумий манфаатларни ҳимоя қилиш асосида Евросиё мамлакатлари ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.

Жамият ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг муҳим ҳужжати — Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, шунингдек, кейинги йилларда эришилган ютуқлар ва истиқболга мўлжалланган ҳамкорликдаги режаларни тадбир иштирокчиларининг эътиборига етказиш Ўзбекистон парламенти делегациясининг ушбу учрашувдаги иштирокининг асосий мақсади ҳисобланади.

## Ёшлар бандлиги – жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси БМТ Бош Ассамблеяси доирасида "Ёшлар учун меҳнат соҳасидаги келажак: ёшлар бандлигини тарғиб қилиш бўйича стратегик ҳамкорлик" мавзуидаги юқори даражадаги кенгаш ишида қатнашди.*

Парламент юқори палатасининг Ахборот хизмати хабарига кўра, Сенат Раиси Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳаётнинг барча соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар ва ислоҳотлар ҳақида маълумот берди.

➔2

## НАРКОТРАФИККА ҚАРШИ КЕНГ ФОРМАТДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

*БМТнинг Жиноятчилик ва наркотикларга қарши курашиш бошқармасининг тадқиқотига кўра, 2018 йилда Афғонистонда кўкнори етиштирилган майдонлар 263 минг гектарни ташкил этиб, 6,4 минг тонна опий ишлаб чиқарилган.*

Бу рақамлар замирида нималар ётибди? Миллионлаб гиёҳвандлар, ҳаётда ўз йўлини йўқотган одамлар, қаерга бош уришни билмаётган ёшлар, янада аянчлиси заҳри қотилдан кўз юмаётган инсонлар... Буларни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат.

Шу жиҳатдан гиёҳвандлик ва наркотрафикка қарши курашиш долзарблигича қолмоқда.

Тошкентда Яқин ва Ўрта Шарқда гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган йирик анжуман бу борада янги амалий чораларни кўришни кўзлаган.

Эслатиб ўтамиз, Яқин ва Ўрта Шарқда гиёҳванд моддалар савдоси бўйича қуйи комиссиянинг 54-сессияси 27 сентябргача давом этади (мазкур қуйи комиссия БМТ Гиёҳванд моддалар бўйича комиссиянинг резолюцияси ва ЭКОСОС кенгашининг резолюциясига мувофиқ 1973 йилда ташкил этилган).

Кенг форматли тадбир БМТнинг Жиноятчилик ва наркотикларга қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ташкилотчилигида ўтмоқда.

Тошкентдаги "Wyndham Tashkent" меҳмонхонасида 23 сентябрь куни ўз ишини бошлаган сессияда Афғонистон, Озарбайжон, Арманистон, Баҳрайн, Германия, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Кувайт, Қирғизистон, Ливан, Покистон, Россия, Тожикистон, Буюк Британия, АҚШ, Яман каби давлатлардан вакиллар, халқаро ташкилотларнинг экспертлари иштирок этмоқда.

➔2

**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**

Ҳурматли муаллимларимиз, жонкуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз. Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

*Ёшлар тарбияси масаласи бугун кўндаланг бўлаётгани йўқ. Таълим тизимида кеча ва бугун ўртасида катта тавофут бор. Кеча деганимиз, бизда тўққиз йиллик мажбурий таълим устувор эди, бугун мактабларда ўн бир йиллик таълимга ўтилди. Бу бежиз эмас. 11 йиллик мактаб таълимига қайтилиши болаларимизнинг таълим олиш сифати ва тарбиясини янада кўтариш имконини берди. Бу таълимдаги энг муҳим ислоҳот бўлди.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев маърифат фидойилари билан бўлган учрашувда, ёшларнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайиши учун маънавий-ахлоқий қадриятларни қалбида янгидан ундириш кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифа эканини таъкидлаганди. Бугунги мустақил Ўзбекистонимиз, жаҳонни қойил қолдираётган ўзига хос тараққиёт йўлини ифода этувчи маориф соҳасининг барча йўналиши буюк аждодларимиз меросини ўрганиш жараёнида ўзлигини қайтадан намоён эта бошлади.

Тошкент шаҳридаги 81-умумтаълим мактабида таълим-тарбия, билим, маънавият ишлари яхши йўлга қўйилгани кўплаб ёшларни турли фан олимпиадалари шоҳсупасига кўтарди. Тўғри, имконият, ўз номи билан имконият. Ҳар қандай истеъдоднинг камол топиши учун зарур шарт-шароитлар керак. Эҳтимол, планшетини ёнида олиб юрган болаларга мактаб кутубхонасига кириш эриш туюлар. Лекин булардан ҳам муҳим нарса борки, бу — билим. Ҳамма нарсани билим ҳал қилади. Билими бор мингни енгар...

➔2

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

*Халқаро матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган йиғилишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларини рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.*

Таъкидлаш керакки, Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисидаги низомга мувофиқ, сиёсий партия юқори органининг раҳбари сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилинган кундан бошлаб беш кунлик муддатда ўз ваколатли вакилини тайинлайди ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

➔2

**Замонамиз қаҳрамонлари**

## ФИДОЙИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

*Ҳар қайси мамлакатда шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти, қарашлари, касбий ва ижтимоий фаолияти Ватанга содиқликнинг ёрқин намунасидир. Мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари Ҳасан Нормуродов ана шундай фидойи замондошларимиздан.*

Бу олий мукофот ўз касби ва ҳалол меҳнати орқали давлатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини оширишга улкан ҳисса қўшган, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнидаги ташаббускорлиги ва фаоллиги билан бошқаларга намуна бўлган юртдошларимизга берилади. Ҳасан Нормуродов юқори малакали мутахассис, ақл-заковатли, хушмуомала инсон сифатида одамлар орасида катта ҳурмат қозонган.

Қаҳрамонимиз ўзининг сермазмун ҳаётини илм-маърифатга бағишлади.

➔2



# Ёшлар бандлиги — жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида

1

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда “30 июнь — Ёшлар куни” сифатида нишонланади. Бу давлатнинг ёшларга катта эътибор бераётганини акс эттиради. Мамлакатимизда ёшлар бандлиги масалаларини тартибга солувчи қатор давлат дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури алоҳида ўринга эга.

Тадбирда ушбу дастур мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида батафсил ахборот тақдим этилди.

Сенат Раиси ўз нутқида Ўзбекистонда бандлик соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш масаласига батафсил тўхталди, шунингдек, меҳнат ва бандлик соҳасида қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш натижалари ҳақида сўзлади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Буюк Британиянинг Оксфорд шаҳрида ташкил этилган Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази (ОИТМ) Халқаро академик маслаҳат кўмитасининг 11-мажлисида қатнашди.*

# Халқаро академик муносабатларни ривожлантириш режалари муҳокама қилинди

Сенат Ахборот хизматининг хабар беришича, мазкур кўмита таркибига Буюк Британия, АҚШ, Франция, Саудия Арабистони, Малайзия, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг йигирма нафар эътиборли исломшунос олими ва давлат арбоби киритилган. Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Маслаҳат кўмитасининг доимий аъзоси ҳисобланади.

Тадбирда ОИТМнинг ўтиб бораётган йилдаги фаолияти якунлари, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ва халқаро академик ҳамкорликни ривожлантириш режалари муҳокама этилди.

Шу куни Оксфорд университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилари билан учрашув ўтказилди. Суҳбатда британиялик олимлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳақида батафсил хабардор этилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Бодлиан кутубхонасида ҳам бўлиб, Мовароуннаҳр олимлари қўлёзмаларини каталоглаштириш ва факсимил нусхаларини яратиш масаласини муҳокама этишди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ



1

— Мактабимиз 960 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни пайтда 1422 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди мактаб директори Зиёда Ҳайдарова. — Давлатимиз раҳбари хайрли ташаббусни илгари суриб, ҳар бир раҳбар, тадбиркорнинг ўзи таҳсил олган мактабга қўлдан келганича ёрдам беришига даъват этган эди. Шунга мувофиқ, собиқ ўқувчиларимиздан бири, тадбиркор Исроил Юнусов ўзи ўқиган мактабни оталиққа олиб, миллий замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида акс эттирган обод таълим масканларидан бирига айлантирди.

Синфхоналар, информатика ва инглиз тили хоналари кенгайиб, замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозланди. Ошхона, спорт зали ва мактаб ҳовлиси кўркам қиёфа касб этди. Бу ҳар бир ишимизда, фикрлашимизда, мамлакат ва юрт корига камарбаста ёшларни тарбиялашимизда мустаҳкам замин бўлмоқда. Масалан, математика фани чуқур ўқитиладиган синфларда таълим сифати сезиларли даражада ўзгарди. Ўтган йили республика бўйича танлаб олинган 150 та мактаб қаторида туманимизда ягона — спортнинг шахмат тури бошланғич синфларда дарс сифатида ўтилмоқда. Мустақил равишда япон тилини ўрганиш ўқув дастурларига киритилди. Юртимиздаги энг нуфузли институтлар билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Юқори синфларда фан арбоблари, олимлар ва тажрибали педагоглар билан очиқ дарслар ташкил этилди. Ўқувчиларнинг муҳандисликка, йўлсозликка, дастурчиликка ва бошқа юзлаб касб-ҳунарларга иштиёқи баланд.

*Ҳар қандай ота-она фарзандини замонавий мактабларда ўқитишга интилади. Юксак даражали ўқитувчилар сабоқ беришини истайди. Эътибор беринг, бу мактабда 80 нафар ўқитувчи-мураббий фаолият кўрсатади. Шундан 10 нафари олий тоифали, ўнга яқини биринчи тоифали, қолганлари иккинчи тоифали ўз касбининг фидойилари. Улар дарс давомида янги педагогик технологиялардан фойдаланишда барчага ўрнак бўлиб келмоқда.*

— Институтни битирганимда, отам ўртамиёна ўқитувчи бўлсанг, мактабга борма, деганди. Чунки синфда ўттизта ўқувчи бўлса, ўқитувчининг ҳар бир гапи шунча хонадонга кириб боради. Дарсга кирганда, қўлимга қалам олганда ёки ўқувчилар кўзига қараганда, шу сўзлар ёдимга тушади, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, олий тоифали математика ўқитувчиси Раҳматулла Каримов. — Кейинги пайтда таълимга эътибор тубдан ўзгарди. Мактабларга эркак ўқитувчилар қайта бошлади. Ҳуқуқий база такомиллаштириляпти. Яқинда “Таълим тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш бўйича йиғилишда қатнашдим. Бу ҳужжат таълим тизимини миллийлаштиришга кенг йўл очиши, шубҳасиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёш авлод тарбиясига алоҳида ғамхўрлик қилаётгани, истеъдодларга кенг йўл очилаётгани, хорижий мамлакатларга бориб, ўқиш, ўрганишнинг ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани, улуғ алломаларимизнинг табаррук номлари билан мактаблар ташкил этилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Биргина, Муҳаммад ал-Хоразмийни олайлик, илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёс.

— Мен дастурлашни уч йил олдин ўрганишга киришганман. Дарсдан бўш вақтимда замонавий компанияларнинг бирида дастурчи бўлиб ишладим. Аста-секин мустақил дастурларимни яратиб, йирик компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйдим, — дейди 11-синф ўқувчиси Акбар Зиёдов. — Тошкент инвестиция портали яратиш бўйича дастурчилар аъзосиман. Мен танлаган касб ҳар бир соҳа учун муҳим. Ҳозир жуда кўп технологиялар, ҳатто роботлар ҳам дастурлаш орқали амалиётда қўлланилади. Янги дастурларга асос солишдан мақсад, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яратиб, илм-фанимиз янгиликларини дунёга тарғиб этиш.

Ўқитувчилик — энг машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб. Бирор мутахассис тайёрласа, унинг келажагини, мамлакат ва юрт корига камарбаста бўлишини ўйлайди. Мазкур мактабда таълим жараёнига янгиликлар олиб кираётган ўқитувчилар кўп. Ана шундай шижоат билан ишлаётганликлари ҳам юртимиз тараққиёт сари дадил интилаётганининг юз кўрсатишидир.

**Адиба УМИРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:
# ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА МАСЛАҲАТЛАШУВ

*Тошкентда 24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Ҳиндистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши ўртасида маслаҳатлашув бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. Махмудов ва Ҳиндистон Бош вазири маслаҳатчисининг миллий хавфсизлик бўйича ўринбосари П. Саран раислигида ўтган мажлисда кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли стратегик шериклик юқори даражага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Бу ҳар икки томонга халқаро миқёсдаги умумий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда яқиндан ҳамкорлик қилиш имконини бермоқда.

Мулоқотда томонлар минтақавий хавфсизликка нисбатан халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва бошқа хатарлар натижасида юзага келаётган, борган сари ўсиб бораётган таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракатланиш бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини тасдиқлади.

Маслаҳатлашувнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий хавфсизлиги, тинчлиги, барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этилди.

Тадбирда ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмаси ва одам савдоси соҳасидаги трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш, Афғонистонда юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, Марказий ва Жанубий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзаро муносабатларни ривожлантиришда эришилган юқори суръатни сақлаш ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳисобига ҳамкорликни янада жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Ҳиндистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи икки томонлама маслаҳатлашув протоколи имзоланди.

**Ғ. ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИГА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

1

Аввал хабар қилинганидек, Марказий сайлов комиссияси томонидан 2019 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва шу кундан эътиборан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Шу муносабат билан, мамлакатимиз сиёсий майдонида фаолият олиб бораётган бешта сиёсий партия раҳбарлари ўз ваколатли вакилларини тайинлаб, уларни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилди ва тегишли ҳужжатларни тақдим этди.

Марказий сайлов комиссияси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси раҳбарлари тавсия этган ваколатли вакилларга тааллуқли ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ваколатли вакилларни рўйхатга олиш ҳамда уларга белгиланган шаклдаги гувоҳномани бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Сайлов кодексига асосан, сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 000 сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги ва имзо варақаларининг бланкалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, тадбирда Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига уларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномалар ҳамда сайловчиларнинг имзоларини тўплашлари учун белгиланган намунадаги имзо варақалари топширилди.

Йиғилишда, шунингдек, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловининг адолатли ва шаффоф ўтишини таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

**Юнус БЎРОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ САМАРАЛИ ТИЗИМ

*Тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал қилиш, умуман, соҳа вакиллари эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, кейинги йилларда юртимизда бизнес соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур имтиёз ва имкониятлар тақдим этиляпти.*

## Фармон ва ижро

Айтиш жоизки, Президентимизнинг жорий йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Чунки ушбу Фармон асосида 1 июндан бошлаб барча вилоятлар, туман ва шаҳарларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Хўш, ҳозирги пайтда ушбу тузилма қандай фаолият олиб бормоқда? Бунга шу кунларда мазкур ҳужжат мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ва жойларда учрашувлар ўтказиш бўйича ташкил этилган Республика ишчи гуруҳларининг ҳудудларга чиқиш режа-жадвали асосида ўтказилаётган тадбирлар асносида батафсил жавоб олиш мумкин. Зотан, бу қабулхоналар зиммасига тадбиркорлик субъектлари ҳамда чет эллик инвесторларни қабул қилиш, сайёр қабуллар уюштириш, соҳа вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш чораларини кўриш, мавжуд тизимли муаммоларни мониторинг қилиш каби кўплаб вазифалар юклатилган.

Бу тизимнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини ҳамда бугунги кун учун долзарблигини Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида ташкил этилган учрашувда ҳам англаш мумкин бўлди. Чунки унда вилоят қабулхоналари мутасаддилари билан биргаликда банк, молия, кадастр, Савдо-саноат палатаси, умуман, фаолияти ишбилармонлар билан боғлиқ ташкилотлардан вакиллар қатнашди.

Тадбирга ўз масаласи билан келувчилар ҳам кам эмас. Кимдир кредит олиш бўйича мурожаат қилаётган бўлса, яна бошқаси кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўланмаётганини билдирмоқда.

Шулардан бири — Ангор туманидаги “Азизбек Шеробод Экспорт” чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари Азамат Пайғомовни эса қуйидаги муаммо қийнамоқда:

— “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида 2019 йилнинг 18 майидан бугунги кунга қадар 65 нафар фуқарога 280 бош қорамол, қўй ва туяқуш етказиб бердик. Лекин шу пайтга қадар кўрсатган хизматимиз учун банклардан зарур маблағни ололмаяпмиз. Ушбу масалада кўплаб ташкилотларга, хусусан, Шеробод, Музработ, Ангор, Термиз ва Шўрчи туманларидаги хизмат кўрсатувчи банкларга мурожаат қилдик. Лекин ҳамон аниқ бир жавоб йўқ. Яъни жами 1 миллиард 763 миллион сўм маблағ бизнинг ҳисобимизга ўтказиб берилмаяпти. Умуман, тадбиркорлик фаолияти ривожи сармоя билан боғлиқ. Ҳисобингизда маблағ айланиб турмас экан, иш ҳам ривожланмайди. Биз ҳам бунинг учун маблағ сарфлаганмиз. Қолаверса, келгусида ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчимиз. Қисқаси, режаларимиз кўп. Уни амалга ошириш учун эса юқоридаги каби муаммолар ҳал этилиши керак.

— Бу тизимнинг яратилиши давлат органлари ҳамда бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари билан жонли мулоқот қилиш учун қўшимча имконият яратди, — дейди Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари Шеробод бўлими мудири Содиқ Жумаев. — Қабулхонамиз 22 июнда ташкил этилган бўлса, ўтган вақт мобайнида тадбиркорлардан турли йўналишлардаги 36 та масала бўйича 27 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 21 таси ижобий ҳал қилинди, 6 таси ўрганиш жараёнида. Бундан ташқари, бўш турган бинолар аниқланмоқда, ишламай турган тадбиркорлар билан юзма-юз учрашувлар изчил ташкил этилмоқда. Бугунги учрашув ана шундай мулоқотнинг навбатдагиси бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, қабулхонанинг вилоят мутасаддилари томонидан Шеробод, Ангор, Қизириқ, Бойсун, Шўрчи ва Денов туманлари тадбиркорлари қабул қилиниб, улар кўтарган масалалар ўрганилди.

Бундай учрашувлар жойларда давом этмоқда.

**Илҳом РАҲМАТОВ,**
**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ФИДОЙИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

1

Кўп йиллар вилоят халқ таълими бўлимини бошқариб, мазкур соҳани такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича долзарб масалаларни мутасаддилар эътиборига ҳавола этди. Жамоатчилик фикрини ўрганиб, самарали натижаларга эришмагунча тинчимади. Бўш вақтини ҳамиша ўз устида ишлашга сарфлади. Ана шундай фидойилиги ва заҳматкашлиги ҳамкасбларига ўрнак бўлди. Ҳозир ҳам 80 йиллик умр йўлини ортда қолдирган мураббий билан суҳбатлашиш жуда мароқли. Кўпчилик у кишини маҳоратли нотиқ, деб билади. Унинг қисқа, лўнда, лекин кенг ва чуқур мулоҳазага бой фикрлари, ҳаётий тажрибаси, сермазмун умрига ҳамма ҳавас билан қарайди. Қаҳрамонимизнинг теран фикри ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти, қомусий олимларнинг асарларидан яхши хабардорлигини кўрсатиб туради. Шундай кенг қамровли билим билан у таълим тизимига янгиланишлар олиб кириш, малакали педагог кадрларни тайёрлашда муносиб ҳисса қўшди. Фаол ҳаётий позицияси ва ташаббускорлиги туфайли, мана, 16 йилдирки, “Нуроний” жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда.

— Бугун биз жамият тубдан ўзгараётган, ҳар бир соҳада янгиланишлар олиб борилаётган даврда яшаяпмиз. Юртимизнинг бутун куч-қудрати, барча ободонликлар эл-улус манфаатини кўзлаган ислоҳотлар шарофатидандир, — дейди Ҳасан Нормуродов. — Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу борадаги ҳар бир ташаббуси нафақат давлатчиликнинг илғор моделини яратиш, балки халқимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

*ҲАСАН НОРМУРОДОВни иш жойидан топиш қийин. Оқсоқол доим ҳаракатда — одамлар дардига қулоқ тутиб, муаммоларини ҳал этиш йўлларини излайди. Ҳар бир нуронийнинг ҳаёти билан шахсан қизиққани сабаб давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда маҳаллаларда бўлади. Баъзан ижодий сафарлари вилоятнинг чекка қишлоқларида бир неча кунга чўзилиб кетади.*



Суҳбатдошимиз эътироф этганидек, ана шундай ғоятда муҳим эзгу ишларда раҳбарият ёшларга, нуронийларга суянмоқда. Кекса авлоднинг бой ҳаётий тажрибаси ва ёшларнинг ғайрат-шижоати, юқори мақсадларга интилувчанлиги уйғунлашиб, ўз натижасини кўрсатяпти. Келажак сари дадил қадам ташлашга ундамоқда.

— Халқимиз азалдан илм-маърифатга интилади, бу қадрият даражасига кўтарилган, — дея сўзини давом эттиради Ҳасан Норбекович. — Шу боисдан муқаддас заминимиздан кўплаб улуғ олиму мутафаккирлар етишиб чиққан. Бугунги кунга келиб, ёшлар учун олий таълим олиш имкониятлари янада кенгайди. Умумий ўрта таълимни ислоҳ қилиш жараёнлари ҳам фаол давом этмоқда. Шу соҳада бир неча ўн йил меҳнат қилган амалиётчи сифатида мен ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда мактаб қанчалик муҳим ўрин тутишини яхши биламан.

Қаҳрамонимиз ёшларга алоҳида меҳр кўзи билан қарайди. Ўз навбатида, ўсиб келаётган янги авлод ҳам ана шундай заҳматкаш инсон билан мулоқотда бўлишни фахр, деб билади. Самарқанд нуронийларининг етакчиси ёшларнинг лойиҳаларига қизиқиш билдириб, ташаббускор йигит-қизлардан қимматли маслаҳатларини аямайди. Кўп йиллик тажрибаси ёшлар билан тез ва осон тил топишишда қўл келади.

Ҳасан Нормуродов давлатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, чуқур таҳлил қилишга одатланган. Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси жамиятимиз учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиляпти. Ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг кейинги тараққиёти истиқболларини аниқ-равшан акс эттиради. Жамиятнинг барча аъзосини амалий саъй-ҳаракатларга руҳлантирмоқда.

Ёшлар билан ўтказиладиган учрашувларда қаҳрамонимиз ўсиб келаётган ёш авлод фаол мунозарага киришса, бундан жуда хурсанд бўлади. Зеро, авлодлар давомийлиги, нуронийлар билан келажак қурувчилари бўлмиш йигит-қизлар ўртасидаги бирдамлик ва ҳамфикрлик намоён бўлмоқда.

— Бу инсон шундай юксак давлат мукофотига муносиб, — дейди Самарқанд давлат университети ректори Рустам Холмуродов. — У катта авлод вакилларининг севимли етакчиси, чуқур билим ва кенг дунёқараш соҳиби. Ҳасан ака фаол ҳаёт кечиради. Тақдирнинг турли синовларига қарамай, ўз табиатига ва чинакам зиёлиларга хос бўлган ажойиб инсоний фазилатларини сақлаб қолган. Бу ёш авлод учун намунадир.

— Ҳар қайси одамнинг ҳаётий қарашлари, турмуш тарзи, энг аввало, унинг кичик Ватани — маҳаллада намоён бўлади, — дейди Самарқанд шаҳар “Тераксзор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Ғуломов. — Ҳасан ака маҳалламизда кўп йилдан бери яшайди ва маҳалла ҳаётини у кишисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Эшиклари кўнгли сингари ҳамиша очиқ. Ҳамма маслаҳат сўраб боради. Катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Кўпгина давлат мукофотлари билан тақдирланган. Энди “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиши бутун маҳалламиз, вилоятимиз учун катта хурсандчилик бўлди.

Дарҳақиқат, самарқандликлар устоз-мураббийни қутлашга ошиқдилар. Улар орасида вилоят ҳокими Эркин Турдимов ҳам бор эди. Қаҳрамонга тақдим этилган чиройли гулдаста вилоят аҳлининг меҳридан дарак бериб турарди...

**Ринат АБДУЛЬМАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# НАРКОТРАФИККА ҚАРШИ КЕНГ ФОРМАТДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН ДАВОМ ЭТМОҚДА

1

Тадбирнинг биринчи иш кунида гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашишда минтақавий ва қуйи минтақавий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинган бўлса, иккинчи кунида сессия иштирокчилари бўлган давлатлар вакиллари ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Жумладан, Ўзбекистонда нарковазиятга хос эпидемиологик кўрсаткичларда бир неча йиллардан буён ижобий тенденциялар давом этмоқда. Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони йил сайин камайиб боряпти. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2018 йилда мусодара қилинган наркотик воситаларнинг миқдори 41,2 фоиз камайиб, 1,17 тоннани ташкил этган.

Судлар томонидан 2018 йил мобайнида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жами 2 876 жиноят иши кўрилиб, 3 691 шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилган.

“Қора дори” кенг қамровли тадбири давомида кўкнори ва наша ўсимликлари экилиши барвақт аниқланиб, уларни йўқ қилиш чоралари кўрилаётир.

Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш соҳасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик ишлари давом эттирилмоқда. БМТнинг минтақавий лойиҳалари мувофиқлаштирилиб, чегара ҳудудларда жойлашган назорат пунктларини модернизация қилиш ва қўшимча ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Тадбир доирасида гиёҳвандликка қарши курашишда тезкор маълумот алмашишни янада кенгайтириш бўйича фикр алмашилди. Чунки наркотикларнинг ноқонуний айланмаси бир мамлакат ёки ҳудуд билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Наркотик моддалар етиштирувчилар ва уларни тарқатувчилар, сотувчилар ҳақида кенг тармоқли ахборот базаларининг яратилиши уларга қарши курашишни енгиллаштиради. Бу халқаро ҳамкорликка асосланган кураш бўлса, унинг натижаси янада самаралироқ бўлади.

Ана шу хайрли мақсадни олдига қўйган Тошкент анжумани давом этмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Муносабат

*"Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни туркийзабон давлатлар ўртасида барча соҳадаги ҳамкорлик янада равнақ топишига хизмат қилади. Мазкур Қонун қалам аҳлини ҳам беҳад қувонтирди. Зеро, эндиликда туркий тилли халқлар адабиёти, маданияти ва санъатидаги бугунги кундаги жараёнлар билан янада кенгроқ танишиш имконияти яратилади.*

# ДАРЁЛАР ИРМОҚЛАРДАН ҚУВВАТ ОЛИБ, ТЎЛИБ ОҚАДИ

Маълумки, ўтган аср бошидаги биргина ўзбек — қозоқ адабий алоқалари ҳақида, буюк устозларимиз Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов, Ойбек ва Мухтор Авезов, Миртемир ва Абдулла Тожибоев, Эркин Воҳидов ва Ўлжас Сулайманов ўртасидаги дўстлик, ижоддаги ҳамкорликлари ҳақида жуда кўп ва хўп айтилган. Аммо кейинги чорак аср мобайнида бу жараёнда узилиш рўй бергандек бўлди. Биз ёнимиздаги, бир ўзандан сув ичган туркман ва қозоқ адабиётидаги жараёнлардан бехабар қолдик. Дарёлар ирмоқлардан қувват олиб тўлиб оққани каби адабиёт ва санъат ҳам ҳамкорликда ривож топиб, юксалишига ўтмишимизда мисоллар кўп.

Ўтган асрнинг олтмишинчи, етмишинчи, саксонинчи йилларидаги адабий ҳамкорликнинг самараси ҳақида ўйлаганимизда, ўша даврда ўзим муҳаррир бўлиб ишлаган "Табассум" радиожурнали ва "Телеминиатюралар театри"нинг мухлисларига манзур бўлиш сабабини мисол келтирган бўлардим. Мазкур эшиттириш ва телекўрсатувда турк ёзувчилари Азиз Несин, Сулхи Долик, Шокир Балқи, Сўяви Сўлик, озарбайжонлик Анор, Сайфиддин Доғли, қозоқ Саид Кенжааҳмедов, Кўпен Амирбек, Саидқул Ўспанов ва бошқа қардош халқлар адибларининг асарлари ўзбек мухлисларига жуда манзур бўлар, шунинг учун ҳам биз кўпроқ уларнинг асарларини пешма-пеш таржима қилиб, дастурга киритардик. Мен ўзим Азиз Несиннинг юзга яқин ҳажвияларини завқланиб, адибнинг маҳоратидан ҳайратланиб, ўзбек тилига таржима қилганман. Улар халқимизга кулги бағишлаб, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Ғани Аъзамов, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошевдек бадиий сўз усталари, кулги дарғаларининг репертуарини бойитиб, ўзбек адабиётида янги ҳажвчилар ва қизиқчилар авлоди етишиб чиқишига туртки бўлган.

Туркий тилли халқлар адабиёти ва маданияти билан ҳамкорликнинг қонуний асосланиши адабиёт, санъат ва маданият тараққиётига ҳамда ижодий алоқаларнинг ривожига улкан ҳисса қўшади. Давлатимиз раҳбари имзо чеккан бу Қонун адабий алоқаларни янги босқичга кўтариб, тилдош ва дилдош халқларни руҳан яқинлаштирувчи эзгуликка хизмат қилади, қалам аҳлига янги ижодий уфқларни кашф этишга имконият яратади.

**Меҳмон ИСЛОМҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик:

# ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒМАСИН



*Бу йилги куз анча салқин бошланди. Айниқса, унинг дастлабки кунида ёмғир ёққани туфайли одамлар куз ва қиш фасллари совуқ келмасмикан, деган хаёлга борган бўлишлари эҳтимол. Аслида, бу хавотирда ҳам жон бор. Чунки ҳарорат пасайиши билан, биринчи навбатда, иситиш тармоқлари, умуман, коммунал хизматлар шайлигига эътибор қаратилади. Бинобарин, нафақат мавсумда, балки ҳамма вақт энг кўп савол ва муаммолар айни мазкур соҳада кўтарилади.*

## Тараддуд

Шундай экан, ҳозирги пайтда республикамиз уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари бу борада қандай чоралар кўрмоқда? Жорий йилги куз-қиш мавсумида ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайдими? Мавсумнинг масъулияти қанчалик юқори эканлигини яқинда Президентимиз бошчилигида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш бўйича ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалардан ҳам англаш қийин эмас. Хусусан, йиғилишда "Ўзтрансгаз", "Ҳудудгазтаъминот" акциядорлик жамиятлари зиммасига **жорий йилнинг 1 ноябрига қадар 93 километр** газ тармоғи ва **172 та** газ тақсимлаш пунктини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, ер ости омборларида газ захирасини шакллантириш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, аҳолига **245 минг тонна суюлтирилган газ** етказиб берилади. Эҳтиёж ҳудудлар кесимида чуқур ўрганилиб, зарур ҳолларда қўшимча чоралар кўрилади.

### Бу йил хизматларга эҳтиёж анча ортган

— Халқимизда "қиш ғамини ёзда ўйла", деган гап бор, — дейди Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Ғофир Жамалов. — Бинобарин, бу кўпроқ бизнинг соҳа ходимларига тегишлидир. Чунки қишда қийинчилик бўлмаслиги, соҳада муаммолар юзага чиқмаслиги унгача бажарган ишларимизга боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимиз аҳолисини сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олиш, хусусан, иссиқлик таъминотида куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бугунги ҳолати, йўл қўйилган камчиликлар ва аҳоли эътирозлари ҳамда муаммоларни ҳал қилиш борасида амалга оширилаётган ҳаракатлар иш сифатини кўрсатади. Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги "2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумида республиканинг иқтисодий ва ижтимоий тармоқларини барқарор ишлашга ҳар томонлама тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса мазкур йўналишдаги ишлар нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Биласиз, бизда иситиш мавсуми октябрь-ноябрь ойларидан бошланиб, келгуси йилнинг март ойида якунланади. Тайёргарлик чоралари ҳам айнан шундан келиб чиқиб олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунда республика бўйича 14,7 мингдан зиёд кўп хонадонли уйлар марказлашган иссиқлик таъминоти тизими билан қамраб олинган. Жорий куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда кўп хонадонли уй-жойлар, аҳоли хонадонлари ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасалари ҳамда барча объектлар хатловдан ўтказилди. Натижада 4812 та кўп квартирали уй, шу жумладан, 1982,2 минг квадрат метр кўп хонадонли уйнинг том қисмини, 2840 та ертўлани жорий ва мукаммал таъмирлаш белгиланди. Шунингдек, 1367 та болалар майдончаси ҳамда кўп квартирали уйларга туташ 459,7 минг квадрат метр йўлакларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш жоизки, Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилиш танқидий-таҳлилий руҳда бўлди. Унда давлатимиз раҳбари аҳоли ва истеъмолчиларга ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш юзасидан кўплаб топшириқлар берди. Чунки бу йил бундай хизматларга эҳтиёж анчагина ортган. Мисол учун, кейинги йилларда республикамизда кўплаб уйлар барпо этилди. Бу йил фойдаланишга топширилганлари ҳам талайгина. Шундан ҳам кўринадики, газга ҳам, электр энергиясига ҳам талаб ортяпти. Худди шундай иссиқлик таъминотига ҳам. Вазирлигимиз шундан келиб чиқиб иссиқлик энергиясини олмаётган кўп хонадонли уйлар сонини аниқлаш ҳамда уларни иссиқлик билан таъминлаш чораларини кўрмоқда. Ижтимоий соҳа объектларининг ички иситиш тизимлари текширилиб, созланяпти.

### Қўшимча имкониятлар ишга солинади

Таҳлилларга кўра, **жорий йилги мавсумда электр энергиясига бўлган талаб ўтган йилдагига нисбатан 11,5 фоиз ортиши** кутилмоқда. Шу маънода, йиғилишда Энергетика вазирлиги зиммасига октябрь ойида иссиқлик электр станцияларида 7 та энергоблок, 7 та қозон агрегати, битта газ турбинаси ва битта буғ-газ қурилмасини капитал таъмирлаш вазифаси юклатилгани бежиз эмас.

— Бундан ташқари, электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларини тайёрлаш ва улар фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 19046,1 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 6519 дона трансформатор пунктлари мукаммал таъмирдан чиқарилди, — дейди "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Феруз Қурбонов. — Бу борадаги юмушлар "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 481 қишлоқ ҳамда 115 та маҳаллада янада кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Таъминотда узлуксизликни таъминлашда жойларда махсус ташкил этилган бригадалар хизмати катта бўлади, албатта.

Умуман олганда, ҳозирги кунда республикамизнинг барча ҳудудида мавсумолди тайёргарлик ишлари кенг қулоч ёйган. Бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш эса соҳа вакилларидан ўз ишига янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).**



# ИЛҒОР КОМПАНИЯНИНГ НОЁБ ЛОЙИҲАСИ

← 1

Республикамиз тўқимачилик саноати ривожида "Uztex Group" компаниясининг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта. 2009 йилда ташкил этилган компания таркибида ўнта корхона мавжуд ва уларда 10 мингдан ортиқ кишилар меҳнат қиляпти. Корхоналар фаолиятида кластер шаклидаги иш тартиби жорий этилган бўлиб, унда пахта етиштиришдан то тайёр кийимгача бўлган жараён амалга оширилади.

Айни чоғда "Uztex Group" маҳсулотларининг 95 фоизи экспортга йўналтириляпти. Корхоналарда ип, мато, кийим-кечак, момиқ сочиқлар ва пайпоқлар тайёрланиб, Италия, Германия, Буюк Британия, Франция каби 45 мамлакатга экспорт қилинмоқда. Ички бозорга эса матолар етказиб берилаётир.

— Бугунги талаб ва эҳтиёжлар жамоамизни фақат изланишга, янги ғоялар устида ишлашга ундамоқда, — деди "Uztex Group" компанияси бош директори Фазлиддин Сирожиддинов. — Зеро, бу бугунги давр талабидир. Шу боис бир жойда тўхтаб қолиш мумкин эмас.

Тошкент глобал тўқимачилик кунлари доирасида расмий равишда очилиб, фойдаланишга топширилган янги корхона туфайли 300 дан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланди. Швейцария, Германия ва Туркиянинг энг янги ва замонавий технологиялари билан жиҳозланган корхона бир кеча-кундузда 50 тонна хом ипни бўяш қувватига эга.

**Д. ЖУМАБОЕВ.**

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОН

# Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

## 2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА**
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

01.04.04 — Физикавий электроника;
01.04.05 — Оптика;
01.04.11 — Лазер физикаси;
01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси;
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси технологияси;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
03.00.10 — Экология;
04.00.02 — Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё;
04.00.06 — Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари;
04.00.10 — Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш);
05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари;
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш;
05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси;
05.02.02 — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари;
05.02.05 — Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва жараёнлари. Станоклар ва асбоб-ускуналар;
05.02.08 — Ер усти мажмуалари ва учиш аппаратлари;
05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича);
05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар;
05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси;
05.05.06 — Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари;
05.08.04 — Навигация ва ҳаво йўллари ҳаракатини бошқариш;
05.08.06 — Ғилдиракли ва гусеницали машиналар ва уларни ишлатиш;
05.10.01 — Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги;
05.10.02 — Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация хавфсизлиги;
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи;
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти.

**Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади;
— илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширади.

**ДОКТОРАНТУРА**
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш;
05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар;
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти.

**Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК**
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

01.04.04 — Физикавий электроника;
01.04.05 — Оптика;
01.04.11 — Лазер физикаси;
01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси;
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар;
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси технологияси;
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари;
03.00.10 — Экология;
04.00.02 — Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё;
04.00.06 — Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари
04.00.10 — Геотехнология (очиқ, ер ости ва қурилиш);
05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари;
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш;
05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси;
05.02.02 — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари;
05.02.05 — Механик ва физик-техник ишлов бериш технологиялари ва жараёнлари. Станоклар ва асбоб-ускуналар;
05.02.08 — Ер усти мажмуалари ва учиш аппаратлари;
05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича);
05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар;
05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси;
05.05.06 — Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари;
05.08.04 — Навигация ва ҳаво йўллари ҳаракатини бошқариш;
05.08.06 — Ғилдиракли ва гусеницали машиналар ва уларни ишлатиш;
05.10.01 — Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги;
05.10.02 — Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация хавфсизлиги;
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи;
08.00.03 — Саноат иқтисодиёти.

**Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— иш жойидан тавсифнома;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2019 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

***Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.***
***Кириш имтиҳонлари 2019 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.***
***Қўшимча маълумотларни 71-227-19-47 телефон рақами орқали қўнғироқ қилиб олишингиз мумкин.***
***http://www.phd.mininnovation.uz/ тизимидан рўйхатдан ўтиш лозим.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Университетлар кўчаси, 2-уй, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш бўлими.**

798J/541

## МАДАНИЯТ хабарлари

# ТОМДИЛИКЛАРГА КОНЧИЛАРНИНГ АЖОЙИБ ТУҲФАСИ

*Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи давомида Томди туманида ҳам бўлиб, бу ерда истиқомат қилаётган қардош қозоқ халқи учун Ахборот-ресурс маркази барпо этиш таклифини илгари сурган эди.*

Бу вазифа Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбарияти зиммасига юкланган бўлиб, яқинда мазкур жамоа саъй-ҳаракати билан Томдида ушбу марказ ишга туширилди ва у замонавий мебеллар, китоб жавонлари билан тўлиқ жиҳозланди. Яқинда комбинат томонидан ушбу масканга 421 номдаги 844 та китоб туҳфа қилинди.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «БУРЧ»

Андижон вилояти мусиқали драма театри 101-мавсумини ана шу саҳна асари билан бошлади.

Унинг очилиш маросимида сўз олганлар томонидан маълум қилинишича, йил мобайнида “Фариштасиз хонадон”, “Шайтоннинг гапига кириб”, “Давлат болалари” ҳамда “Уч дангаса” номли янги асарлар тақдим этилади.

— Мавсум аввалида Рихсивой Муҳаммаджонов асари асосида тайёрланган “Бурч” номли асарни томоша қилдик, — дейди томошабин Ф. Хўжамбердиева. — Роллар шу қадар маҳорат билан ижро этилдики, саҳна қаршисида ўтирганимни ҳам унутиб, воқеа ичига сингиб кетдим. Бундай асарлар ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ САҲНА АСАРИ ТАҚДИМОТИ

*Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида таниқли адиб ва драматург Қўчқор Норқобилнинг “Айёргина аёллар ёхуд бахтнинг бозори борми?” мусиқали комедияси тақдимоти бўлиб ўтди.*

Асарни иқтидорли ёш режиссёр Достон Ҳақбердиев саҳналаштирган. Комедияда бугунги давр муаммолари, айниқса, инсонга хос лоқайдлик, бепарволик, турмуш икир-чикирларига ўралашиб, мақсад ва муддаолар йўлидан олислашган айрим аёлларнинг тақдири очиб берилган.

— Ушбу саҳна асарида юртимизда хотин-қизлар қадр-қиммати нечоғли улуғланаётгани, оила ва жамият мустаҳкамлиги, яна бир жиддий масала — опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаш каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов.

Спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**


# Тошкент кимё-технология институти

**2020 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА**
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

01.02.04 — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси.
02.00.05 — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси.
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар.
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
02.00.09 — Товарлар кимёси.
02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.15 — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари.
02.00.17 — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.
05.02.04 — Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш.
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

**Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумоти тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади;
— илмий консультантнинг ёзма розилиги;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.
Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширади.

**ДОКТОРАНТУРА**
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.15 — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.

**Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.
Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтади.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК**
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

02.00.05 — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси.
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар.
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
02.00.09 — Товарлар кимёси.
02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.15 — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари.
02.00.17 — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

**Талабгорлар тақдим қиладиган ҳужжатлар:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги дипломи нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 1 мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари (DSc);
— иш жойидан тавсифнома;
— паспорт нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.
Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2019 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.
Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 2019 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.
Қўшимча маълумотларни 71-244-39-81 телефон рақами орқали қўнғироқ қилиб олишингиз мумкин.
http://www.phd.mininnovation.uz/ тизимидан рўйхатдан ўтиш лозим.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 32-уй, Тошкент кимё-технология институти, Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.**

800J/540


## ЭЪЛОНЛАР


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2020 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:**

**Таянч докторантура (PhD)**

15.00.01 — Дорилар технологияси — (2 ўрин).
15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия — (2 ўрин).
15.00.03 — Фармацевтика ишларини ташкил этиш — (1 ўрин).
14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология — (1 ўрин).

**Мустақил изланувчилик**
*(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)*

15.00.01 — Дорилар технологияси.
15.00.02 — Фармацевтик кимё ва фармакогнозия .
15.00.03 — Фармацевтика ишларини ташкил этиш.
14.00.17 — Фармакология ва клиник фармакология.

**Керакли ҳужжатлар:**
- ариза;
- меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;
- дипломларнинг нусхалари;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- эълон қилинган мақола (камида учта) ва тезисларнинг (камида иккита) нусхалари;
- илмий маслаҳатчининг ёзма розилиги;
- паспорт ва ҳарбий билет нусхалари;
- 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- тавсиянома.

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати: 2019 йилнинг 15 октябригача.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.**
**Телефон: 71-256-39-54.**

785J/533



# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*2020 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича докторантура (DSc), таянч докторантура (PhD) ва мустақил изланувчиликка (DSc, PhD) қабул эълон қилади:*

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD)**

| Ихтисослик шифри | Ихтисослик номи | Таянч докторантура (PhD) |
|---|---|---|
| 10.00.04 | Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти | 1 ўрин |
| 10.00.06 | Қиёсий адабиётшунослик чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик | 2 ўрин |
| 10.00.09 | Журналистика | 1 ўрин |
| 10.00.11 | Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси | 1 ўрин |
| 13.00.01 | Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи | 1 ўрин |
| 13.00.02 | Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича) | 2 ўрин |

Таянч докторантурага кириш учун топшириладиган имтиҳонлар:
1. Мутахассислик.
2. Чет тили.

**ДОКТОРАНТУРА (DSc)**

| Ихтисослик шифри | Ихтисослик номи | Докторантура (DSc) |
|---|---|---|
| 10.00.06 | Қиёсий адабиётшунослик чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик | 1 ўрин |

Докторантурага кирувчилар мутахассислик бўйича суҳбат натижасига кўра расмийлаштирилади.

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК (DSc, PhD)**

| Ихтисослик шифри | Ихтисослик номи |
|---|---|
| 10.00.04 | Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти. |
| 10.00.06 | Қиёсий адабиётшунослик чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик. |
| 10.00.07 | Адабиёт назарияси. |
| 10.00.09 | Журналистика. |
| 10.00.11 | Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси. |
| 13.00.01 | Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. |
| 13.00.02 | Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича). |
| 07.00.09 | Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи. |
| 23.00.02 | Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар. |

Мустақил изланувчиликка кирувчилар мутахассислик бўйича суҳбат натижасига кўра расмийлаштирилади.

**Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9«А» мавзеси, 21-уй, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, асосий бино, 4-қават, 418-хона, Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефон: 71-230-13-42.**

799J/542







Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги жамоаси вазирнинг ўринбосари Ўктамжон Деҳқонбоевич Каримовга отаси

**Деҳқонбой КАРИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6